



ФРАНЦИЯГА РАСМИЙ ТАШРИФ САМАРАЛИ ҲАМ



O'ZLIDER RAHBARI OZARBOYJON RESPUBLIKASI PREZIDENTI BILAN UCHRASDI

Жорий йилнинг 21 ноябрь кунин Озарбойжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сибейи Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Ақтам Хаитовни қабул қилди.

Ақтам Хаитов ўз номидан ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номидан Президент Илҳом Алиевни "Янги Озарбойжон" партиясининг 30 йиллиги билан табриқлади. Президент Илҳом Алиевга Ўзбекистон Президентининг эзгу тилақларини етказди. Ақтам Хаитов Президент Шавкат

Мирзиёев Озарбойжон билан ўзаро алоқаларни юксак қадрлашни таъкидлади. Президент Илҳом Алиев табрик учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистон Республикаси Президентига эзгу тилақларини етказишни сўради.

Президент Илҳом Алиев жорий йилда Ўзбекистонга уч марта ташриф буюрганини қайд этиб, Президент Шавкат Мирзиёев билан учрашувларини мамнуният билан эслади. Мулоқот чоғида "Янги Озарбойжон" партияси ва Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ўртасидаги самарали ҳамкорлик ва ўзаро ташрифлар муҳимлиги таъкидланди.

O'zLiDeP матбуот хизмати

АБАДИЙ ДЎСТЛИК



БИР ОЛМАНИНГ ИККИ ЮЗИ...

Бири сенсан, бири мен, деганларидек, қадимдан халқона ибора билан айтганда, эту тирноққа айлаиб кетган ўзбек ва тожик халқларининг борди-келди, салом-аликлари кейинги беш-олти йил ичида янада мустақамлаиб бораётгани кувонарли, албатта. Шу маънода икки давлат раҳбарларининг халқаро ҳамкорлик, абадий дўстликни юксак поғонага кўтариш йўлида қилаётган хайрли саъй-ҳаракатларидан барча мамнун.

— Бир ойдан ошди ўзбекистонлик бир гуруҳ журналист, блогерлардан иборат делегация аъзолари қўшни Тожикистон Республикасида бўлиб қайтгани, — дейди Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси Олимжон Усаров. — Минг бор эшитгандан кўра бир бора кўрмоқнинг гашти, шуқуқи бошқача бўлар экан. Шахсан ўзим қачонлардан бери орзу қилардим бу гўзал ўлкани зиёрат қилмоқчи. Жуда ажойиб сафар таассуротлари билан қайтдик ва мамлакатимиз ОАВларида бу ҳақда батафсил ёритилди.

Давоми 3-саҳифада. ►►

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 21-22 ноябрь кунлари расмий ташриф билан Францияда бўлиб қайтди. Биринчи кундаги тadbирлар ишбилармонлик масалаларига бағишлангани алоҳида қайд этиш жоиз. Давлатимиз раҳбари Франция тараққиёт агентлиги (ФАР) бош директори Реми Риуни қабул қилди. Кейинги пайтда ўзаро алоқаларда юксак даражага эришилгани мамнуният билан қайд этилди. Қўшма лойиҳалар портфели 1 миллиард еврога етди. Агентлик иштирокида бугун инфратузилма, иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича муҳим дастурлар амалга оширилмоқда.

ФАР раҳбари Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар дастурининг самарали натижаларини қайд этиб, ҳамкорликнинг жорий ҳолати ва салоҳиятини юксак баҳолади. Суҳбатда лойиҳаларни аралаш тарзда, шу жумладан, Франция компанияларининг тўғридан-тўғри инвестициялари иштирокида молиялаштириш механизмларидан фойдаланиш муҳим экани таъкидланди. Томонлар эришилган барча келишувларни рўйга чиқариш юзасидан "йўл харитаси"ни тайёрлашга келишиб олдилар.

Учрашув якунида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Франция тараққиёт агентлиги ўртасида қишлоқ хўжалиги, энергетика, "яшил" иқтисодиёт, шаҳарларни ривожлантириш, сув таъминоти, банк-молия ва транспорт соҳаларида аниқ лойиҳаларни амалга оширишни назарда тутидиган умумий қиймати 1 миллиард евродан ортиқ бўлган 2025 йилгача стратегик ҳамкорлик дастури имзоланди.

Президентимиз Франциянинг етакчи компаниялари ва молиявий тузилмалари раҳбарлари билан ҳам учрашув ўтказди. Тадбирда "MEDEF" Франция корхоналари ҳаракати бош директори Филипп Готье, "Airbus", "Orano", "Suez", "Alstom", "Total Eren", "EDF", "Schneider Electric", "Natixis" каби 20 га яқин йirik компаниялар раҳбарлари иштирок этди.

— Ҳар бир инвестор Ўзбекистон деганда, энг аввало, барқарорлик ва келажакка ишончни тасаввур қилишига интиляпмиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Франция бизнесининг Ўзбекистон бозорига чиқиши учун катта истикболлар очилмоқда. Мамлакатимизнинг жозибадорлиги Марказий Осиёда аҳоли сони бўйича энг йirik давлатлиги, махсулотларимиз МДХнинг улкан бозорига божсиз етказиб берилётгани билан ҳам изоҳланади.

Шерикликни кенгайтириш режалари юзасидан атрафлича фикр алмашилди. Франция ишбилармон доиралари вакиллари ўз чиқишларида Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни юқори баҳолади. Мамлакатимизда қайси аниқ лойиҳаларни амалга ошириш ниятида эканини баён қилди.

Ташрифнинг иккинчи куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев Париждаги Бурбон саройида Франция Миллий йиғини Раиси Яэль Браун-Пиве билан учрашув ўтказди. Парламентлар ўртасидаги ҳамда ижтимоий-сиёсий ҳаётни янада демократлаштириш бўйича ислохотларни амалга ошириш борасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш юзасидан фикр алмашилди.

Франция Миллий йиғини раҳбари Ўзбекистонда парламентаризмни ривожлантириш, инсон ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш, гендер тенгликни илгари суриш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли демократик янгиланишларнинг боришини юксак баҳолади. Учрашувда ўлим жазосини бекор қилиш, инсон ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, экологик муаммоларни ҳал этиш тўғрисидаги нормалар ва бошқа муҳим қоидаларни мустақамлаиб қўйиш кўзда тутилган конституциявий ислохотни амалга оширишга тайёргарлик борасидаги асосий ёндашувлар муҳокама қилинди.

Парламентларо дўстлик гуруҳининг учрашувларини ўтказиш, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши, Европа Парламенти, Парламентларо иттифок, ЕХҲТ Парламент ассамблеяси доирасидаги ҳамкорликни кучайтиришга келишиб олинди.

Париждаги Елисей саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Франция Республикаси Президенти Эммануэль Макроннинг музокаралари бўлиб ўтди.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш масалаларини атрафлича кўриб чиқдилар ва муносабатларни юксак даражадаги кенг қамровли шерикликка олиб чиқишга келишиб олдилар.

Етакчилар икки мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллиги нишонланаётган жорий йилда икки томонлама алоқалар жадал суръат билан ривожланиб бораётгани, кенг сиёсий мулоқот чуқурлашиб, халқаро ташкилотлар доирасида томонлар ўзаро кўмаклашаётгани, парламентларо мулоқот кенгайганини мамнуният билан қайд этдилар. Хавфсиз-

лик соҳасида, юзага келаётган таҳдид ва хатарларга самарали қарши курашиш борасидаги икки томонлама ҳамкорликни янада мустақамлашдан манфаатдорлик билдирилди.

Савдо-иқтисодий ва инвестицион ҳамкорликни ривожлантириш, жумладан, товар айирбошлаш ҳажмини, илғор технологияларни жалб қилган ҳолда қўшма лойиҳа ва дастурларни кўлайитириш муҳимлиги алоҳида таъкидланди. Ташриф арафасида ўтказилган Ўзбекистон – Франция ишбилармонлик тadbирларининг якунлари, уларнинг доирасида умумий қиймати 6 миллиард евродан ортиқ бўлган савдо-иқтисодий битим ва шартномалар имзоланган юксак баҳоланди.

Маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантиришнинг аҳамияти қайд этилди. Томонлар Самарқандда Франция альянсининг филиаллари очилишини қўллаб-қувватладилар ҳамда жорий йил 27-28 ноябрь кунлари Парижда иккинчи Ўзбекистон-Франция таълим форумининг ўтказилишини олқишладилар. Француз тили ўқитувчиларини тайёрлаш соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга келишиб олинди.

Давлат раҳбарлари долзарб халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Елисей саройида ўтган олий даражадаги музокаралардан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Франция Республикаси Президенти Эммануэль Макрон рафиқалари билан Париждаги Лувр музейида бўлдилар. "Ўзбекистон воҳаларининг мўъжизалари. Карвон йўллари чорраҳасида" кўргазмаси билан танишдилар. Шундан кейин давлат раҳбарлари Париждаги Араб дунёси институтига ҳам ташриф буюриб, "Самарқандга йўл. Ипак ва олтин мўъжизалари" номли кўргазмада қатнашдилар.

Расмий ташриф якунлари бўйича юксак даражадаги кенг қамровли шериклик муносабатларини ривожлантириш мақсадида Қўшма баёнот қабул қилингани, Ўзбекистон – Франция муносабатларини янада кенгайтиришга қаратилган 14 та келишувга эришилгани, хусусан, умумий қиймати 6 миллиард евродан зиёд бўлган савдо-иқтисодий, инвестициявий ва молиявий ҳамкорлик лойиҳаларини амалга ошириш юзасидан икки томонлама келишувларга эришилгани таъсирчан лойиҳа. Маданий-тарихий мерос, мактабгача, халқ ва олий таълим, давлат хизматини ривожлантириш соҳаларида ҳамкорлик тўғрисида декларациялар имзолангани, фуқаролик авиацияси, коррупцияга қарши курашиш, судьяларнинг малакасини ошириш, француз тилини ўқитиш ва бошқа йўналишларда ҳужжатлар қабул қилингани ҳам расмий ташрифнинг самарадорлигини оширгани шубҳасиз.

XXI ASRNING 23-ЙИЛИДА ҲАМ "XXI asr" БИЛАН БИРГА БЎЛИНГ!

ОБУНА 2023

Обуна индекси = 406.
Мурожаат учун телефон: 71 255 68 50.



“ДАВЛАТ БАЙРОҒИ ТЎҒРИСИДА” ГИ ҚОНУНГА ЎЗГАРТИШ КИРИТИШ КЕРАК...МИ?!

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракциясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фуқароларимизнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғидан эркин фойдаланиши учун кенгроқ имкониятлар яратиш масаласи кўриб чиқилди. Йиғилишни парламент кўйи палатаси Спикери ўринбосари, мазкур фракция раҳбари Ахтам Хаитов бошқарди.

– Давлат байроғи юртимизда ҳукм сураётган тричлик-ободлик, миллатлараро тотувлик, кут-барака, биз эришяётган бемисл ютуқлар ва келажакка бўлган мустақам ишонч рамзи сифатида қалбимизга туганмас ифтихор бағишлайди, – деди А.Хаитов. – Юртбошимиз томонидан кейинги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар замирида ҳам бутун халқимиз, айниқса, ёш авлод қалбида давлатимиз рамзларига нисбатан ҳурмат ва эҳтиром туйғусини тобора мустақамлаш, уларни миллий ғоя ва Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, давлат рамзларини кўз қорачиғидек асраб-авайлашга ўргатишдек эзгу мақсадлар сингдирилган.

Дарҳақиқат, 1991 йилнинг 18 ноябрь куни “Давлат байроғи тўғрисида”ги қонун қабул қилинган эди. Ушбу ҳужжатнинг 1-моддаси билан давлат байроғининг схематик ва рангли тасвири тасдиқланган. 2-моддасида “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи республика давлат суверенитетининг рамзидир”, дейилган. Демак, давлат байроғини — мустақиллик, истиқлол ва озодлик, обод ва фаровон ҳаёт рамзи, шу муқаддас ватанда яшяётган ҳар бир фуқаронинг қалб рамзи деб эътироф этиш лозим.

Фракция аъзолари давлат байроғидан фойдаланишда чекловлар кўпчилигини таъкидлаб, ундан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатларни янада соддалаштириш, миллий байроғимиздан қонунга қатъий риоя қилган ҳолда фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш бўйича таклифларни илгари суришди. Давлат рамзига ҳурматсизлик қилганларга нисбатан жавобгарликни кучайтириш, ундан фойдаланиш бўйича аниқ мезонлар ишлаб чиқиш, давлат байроғини шаҳарларимиздаги диққатга сазовор жойларда, хонадонларимизда ҳилпираб туришига имконият яратиш бериш шулар жумласидандир.

Тадбирда фракция аъзолари “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида”ги қонунга бугунги замон талабларидан келиб чиққан ҳолда тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклифини илгари суриб, қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ташаббусини билдирдилар.



Зафар ХУДАЙБЕРДИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси:

– Амалдаги қонунга назар солсак, унга ҳозиргача 5 марта, яъни 2010 йил 24 декабрда, 2017 йил 14 сентябрда,

2019 йил 18 февралда, 2019 йил 5 сентябрда, 2021 йил 21 апрелда тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган ва такомиллаштирилганлигини кўрамиз. Агар “инсон – жамият – давлат” парадигмасига асосланиб амалга оширилаётган ислохотлар ҳамда очиклик сиёсати натижасида фуқароларимиз сиёсий онгининг ўсаятгани, иқтисодиётда ҳусусий сектор улушининг ортиб бораётганини ҳисобга олсак, амалдаги қонун яна ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга муҳтожлигига амин бўламиз.

Илгариги қонунда давлатимиз байроғининг қаерларга доимий қўйилиши, ўрнатилиши, қонунчилик билан белгиланган байрам кунлари қаерларда, қачон кўтарилиши ва туширилиши, давлат байроғининг тасвири туширилган белгилардан ишлаб чиқарилаётган ёки реализация қилинаётган товарларни ўтказиш учун тижорат мақсадларида фойдаланиш мумкин эмаслиги каби нормаларнинг мавжудлигини чеклов сифатида ҳам баҳолаш мумкин.

Чунки фуқароларимизнинг, кенг жамоатчиликнинг, шунингдек, партиянинг электорати бўлган тадбиркорларимизнинг давлатимиз рамзи, ифтихори

бўлган давлат байроғимиз ва унинг тасвиридан фойдаланиш доирасини кенгайтиришни тақозо этмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб қуйидаги таклифларни билдирмоқчиман:

– давлатимиз байроғини нафақат давлат органлари бинолари, залларида, қолаверса, мулк шаклидан қатъий назар, бошқа бино-иншоотларда ҳам ўрнатилиши;

– фуқароларимизга умуммиллий байрамлар, тантанали маросимлар, оилавий тадбирларда ҳам фойдаланишлари;

– устки кийим-бош ишлаб чиқарувчи тадбиркорларимизга эса давлат байроғи тасвиридан фойдаланишга белгиланган тартибларда руҳат берилишини қонунда мустақамлашни тарафдориман.

Амалдаги қонунга бундай ўзгартиш ва қўшимчаларнинг киритилиши марказий кўчаларда, майдонларда, бошқа жамоат жойларида ва объектларда нафақат байрам кунлари, балки кўндалик ҳаётимизда ҳам давлатимиз байроғини кўриш, ундан фахрланиш имкониятларини кенгайтиради.

Фракциянинг кенгайтирилган йиғилишида сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Иқбол Мирзаалиев, Шаҳноза Холмаҳмадова, Наврўз Ризаев, Эмма Аслонова, Эркин Зоҳидов, Мухтор Ибрагимов, Дониёр Ғаниев, партия фаолларидан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари Ғайрат Мажиб, фалсафа фанлари доктори, профессор Қиём Назаров, “XXI asr” газетаси Бош муҳаррири Норқобил Жалилов ва бошқалар бевосита қонунда белгилаб қўйилган айрим чекловлар энди даврлар ўтиши билан эскирганини, айниқса, дунё тажрибасидан келиб чиққан ҳолда муборак байроғимизга бўлган ҳурмат-эътиромимизни яна такомиллаштириш бўйича керакли таклифларни билдиришди.

Савол-жавобларга бой бўлган йиғилишда кун тартибидagi масалалар юзасидан фракциянинг тегишли қарори қабул қилинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракциясининг навбатдаги йиғилишида дастлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2022 йил тўққиз ойлик ижроси муҳокама қилинди. Депутатлар кун тартибидagi масалани муҳокама қилиш чоғида партия мақсад ва вазибаларидан келиб чиқиб, иқтисодий соҳада белгиланган вазибалар ижросига алоҳида эътибор қаратди.

СУБСИДИЯЛАР НЕГА ЎЗЛАШТИРИЛМАЙ ҚОЛГАН?

Барнохон МИРЗАМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси:

– Бугунги кунда дунёда кузатилаётган бир қатор иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий муаммолар жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш истиқболларига ўз таъсирини кўрсатмай қолмапти. Шундай бир шароитда Ўзбекистон иқтисодиёти барқарор ўсиш суръатларида давом этмоқда.

Иқтисодий ўсишнинг асосий драйверлари хизматлар ва саноат соҳаси бўлиб, мос равишда 7,9 ва 5,5 фоизга ўсди. Қолаверса, шу давр мобайнида қурилиш соҳаси 6,3 фоизга, қишлоқ хўжалиги эса 3,6 фоизга ўсди.

Хисобот даврида озиқ-овқат, тўқимачилик, металлургия ва автотранспорт маҳсулотлари ҳисобига ишлаб чиқарадиган саноатнинг 61,9 фоизини ташкил қилди. Хусусан, 2022 йил январь-сентябрь ойларида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 3,9 фоизга кўпайиб, 41,9 трлн. сўмни, тўқимачилик маҳсулотлари 7,7 фоизга ошиб, 43 трлн. сўмни, металлургия саноати 3,9 фоизга кўпайиб, 80,9 трлн. сўмни ташкил этди.



Ваҳобжон МУРАТҚОБИЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси:

– Иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бири бўлган хорижий инвестицияларни жалб қилиш энг муҳим масалалардан саналади. O'zLiDeP сайловолди дастурида ҳам Ўзбекистоннинг бизнес юритиш ва инвестиция киритиш учун энг жозибадор мамлакатлар қаторидан ўрин олишини таъминлаш устувор вазифа сифатида белгиланган. Ушбу йўналишдаги ишлар таҳлил қилинганда, мамлакатимизда 2022 йилнинг тўққиз ойи давомида асосий капиталга жами инвестициялар 190 трлн. сўмни ташкил қилгани маълум бўлди. Утган даврда қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 248,7 трлн. сўмни, қўшилган қиймат миқдори 143,5 трлн. сўмни ташкил этиб, соҳада ишлаб чиқаришнинг 241,8 трлн. сўми деҳқончилик ва чорвачиликка тўғри келган.

Йиғилишда давлат бюджети харажатларининг ижроси ҳам таҳлил қилиниб, соҳалар кесимида ажратилган маблағларнинг тўғри йўналтирилиши, баъзи йўл қўйилган камчиликлар очик-ойдин тилга олинди.

Хусусан, фракция аъзолари қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологияларни жорий этиш учун бюджетдан ажратилган субсидияларга 10 млрд. сўм режалаштирилгани, лекин жорий йилнинг 9 ойида нега жами 1,9 млрд. сўм сарфлангани сабаби билан қизиқди.

Қизғин муҳокама давомида депутатлар томонидан кўтарилган барча саволларга мутасаддилардан батафсил жавоблар олинди. Тегишли вазирилик вакиллари бу борада барча зарурий чоралар кўриляётгани, субсидия ажратилишида муаммолар йўқлигини маълум қилди.

Савол-жавоблар ва муҳокамалардан сўнг фракция аъзолари Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармаларининг 2022 йил 9 ойлик ижроси якунлари тўғрисидаги ҳукумат ҳисоботини қўллаб-қувватлади. Йиғилишда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига дахлдор бир қатор қонун лойиҳалари ҳам кўриб чиқилиб, депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
“XXI asr” мухбири

ЖАВОБГАРЛИК БЕЛГИЛАНМАГАНИ УЧУН...

Ғайрат АБДИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси

Кейинги вақтларда тегиши идоралар маълумоти-га кўра, республикамизда диний таълимот бўйича тасаввур ва билимга эга бўлмаган ёшларнинг жамиятда радикаллашуви, диний таълим олиш учун хорижа (Миср, Туркия ва бошқалар) кетиш, у ерда экстремистик оқимлар таъсирига қилиб қилиши хавфи ортиб бормоқда. Хусусан, 2 000 га яқин воёга етмаганлар ота-оналари ёки уларнинг вакиллари томонидан Мисрда истиқомат қилаётган бегона шахслар ихтиёрига назоратсиз ташлаб кетилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ёшларимизни назоратсиз қилишга ва турли “хужра” марказларида тартибсиз диний таълим олишига олиб келмоқда...

Қонунчиликда ота-оналар ёки уларнинг ўрини босувчи шахслар томонидан воёга етмаган болаларни чет элларда назоратсиз диний таълим олиш учун юбориши ёки у ерда айна мақсадда қолдириши бўйича жавобгарлик белгиланмагани сабабли юқорида таъкидлаб ўтилган салбий ҳолатлар кўпайиб бормоқда.

Бу каби ҳолатларнинг олдини олиш ва жавобгарликнинг ҳуқуқий асосларини яратиш мақсадида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 476-модда билан, Жиноят кодекси эса янги 122¹-модда билан тўлдирдиш таклиф қилинмоқда. Хусусан, қонун лойиҳаси билан Маъмурий жавобгарликни белгилувчи кодексни болани чет давлат ҳудудида назоратсиз қолдирганлик учун жавобгарликни белгилувчи 476-модда билан тўлдирдиш ҳамда ушбу ҳаракатни бир йил давомида такроран содир этилиши ёки маъмурий жазо қўллангандан сўнг суд томонидан белгиланган муддатда чет элда турган болани қайтарилишини таъминлаш мақсади учун Жиноят кодексида 122¹-моддаси билан жиний жавобгарликни белгилаш назарда тутилмоқда. Шунингдек, ушбу ҳаракатлар учун Жиноят кодексига таклиф этилаётган норманинг иккинчи ва учинчи қисмларида жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларини белгилаш назарда тутилмоқда.

Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши, келгусида ёшларимизни турли “хужра” марказларида тартибсиз диний таълим олишини ҳамда назоратсиз қилишларининг олдини олиш, бу каби қилмишларга қарши курашишга хизмат қилади. Шунингдек, воёга етмаганларни назоратсиз диний таълим олиш учун чет элга юбориш ёки у ерда қолдирганлик бўйича жиний жавобгарликни аниқ норма билан белгиланиши, бундай қилмишларга ҳуқуқий баҳо беришдаги муаммоларни бартараф этади.



Ақшагул ТУЛЕГЕНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси:

– Давлат рамзлари ҳар бир мамлакатнинг суверенитети ва мустақиллигини ифодаловчи муқаддас тимсол ҳисобланади. Ўзбекистоннинг давлат рамзлари халқимизнинг шон-шарафини, тарихий хотираси ва интилишларини ўзида муҳасам этиб, шу юрtda яшовчи ҳар бир фуқарога гурур, фахр-ифтихор бағишлайди.

Байроғимиз нафақат давлат рамзи, шу билан бирга, бой маънавиятимиз, маданиятимиз рамзи ҳам. Бугун миллий байроғимиз давлат идораларида, Ўзбекистон аъзо бўлган халқаро ташкилотларда, чет эллардаги элчихона ва доимий ваколатхоналаримиз пештоқида ҳилпираб турибди. Турли байрам тантаналарида, мамлакатимиз аъзолари қатнашаётган халқаро миқёсдаги сиёсий, маданий-маърифий тадбирларда, нуфузли спорт мусобақаларида ҳам байроғимиз Ватанимизнинг шаъни, халқимизнинг ғурурини ёрқин акс эттирмоқда.

Мен ҳам фракцияимиз илгари сурган ташаббус — давлат байроғидан фойдаланишдаги чекловларни олиб ташлашни тўлиқ қўллаб-қувватлайман. Сарбаланд қаддимиз ва қадримиз тимсоли бўлмиш

ДЕПУТАТ ВА ҲАЁТ

ВАЪДА БЕРДИМИ? МАРҲАМАТ, БАЖАРИБ ҚҲЙСИН!

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ О'zLiDeP ФРАКЦИЯСИ АЪЗОСИ РАСУЛ КУШЕРБАЕВ ЧИНОЗ ТУМАНИДАГИ ЁШЛАР БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТ ҚИЛДИ



Бугун юртимизда ёшларга оид давлат сиёсати юқори даражага кўтарilib, навқирон авлодни қўллаб-қувватлаш масалаларига жиддий эътибор берилётгани ҳеч кимга сир эмас. Уларнинг таклиф ва ташаббусларини ўрганишда эса парламент вакилларининг имкониятлари кенг.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент вилоят кенгаши фаоллари бундай имкониятдан самарали фойдаланишга астойдил ҳаракат қилишяпти. Жумладан, Ёшлар ва бизнес тузилмалар билан ишлаш бўлими асосий тадбирларни жойларда ташкил этаётгани эътиборга молик.

Партиянинг Чиноз туман кенгаши билан ҳамкорликда ўтказилган "O'zLiDeP ёшларни бирлаштиради" мавзусидаги учрашув ҳам ана шундай анжуманлардан бири бўлди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Расул Кушербаев Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш Концепциясида белгиланган устувор вазифаларни содда тилда тушунтирар экан, катта орзу-умидлар билан мустақил ҳаётга қадам кўйган йигит-қизлар билан ҳеч қандай расмийликсиз сўхбатлашди.

Жонли ўзганга кўчган очик мулоқотдан таъсирланган ёшлар ҳудуддаги таълим муассасаларида сабоқ бериш сифатининг пастиги, оптик толали интернетнинг барча маҳаллардаги таълим даргоҳларига етказиб берилмагани, мактабларнинг моддий техник базаси эскиргани ва уларга элтувчи йўлларнинг носозлигини куюниб гапирдиши.

– Таълим муассасаларида дарсликларнинг етишмаслиги, айрим мактабларда оптик толали интернет ҳамон йўқлиги каби масалалар буйича тегишли вазирлик ва идоралар билан боғланиб, уларни тезкор ҳал этиш чорасини кўришни ўзимга мақсад қилиб кўйдим, – дейди Расул Кушербаев. – Оптик толали интернетни барча таълим муассасаларига етказиш ваъдаси берилдими? Марҳамат, бажариб қўйсин! Вазирлик ва идоралар халқ ман-



Самимий мулоқот давомида Чиноз туманидаги ижтимоий муаммолар ҳамда уларнинг ёшлар келажагига таъсири бор буйича муҳокама қилинди.

O'zLiDeP вакили ёшлар ўртага ташлаган таклиф ва муносабат билдираркан, ҳудудда базис муаммолар ечими ханузгача долзарб масала бўлиб қолаётганини таъкидлади. Бугунги Чинознинг қиёфасини ўзгартириш, туман марказини том маънодаги замонавий шаҳарчага айлантириш учун азму шижоатли инсонлар ғайрати, жонқуярлиги етишмаётганини қайд этди. Модомики, ёшлар турли даражадаги раҳбар мутасаддилар олдида мавжуд масалани кўндаланг қўйиши айб эмаслигини ўқтирди.

фаати учун бўлаётган ишларни тўғри қабул қилишда ва қўллаб-қувватлашда, деган умиддан.

Тадбирда, шунингдек, ёшлар ўртасида кибержиноятларнинг олдини олиш, ахборот хуружларидан ҳимояланиш борасида ҳам атрофлича тушунчалар берилди.

Мулоқот якунида "Ёшлар дафтари"га киритилганларга замонавий касбларни эгаллаш, ахборот технологиялари ва хорижий тилларни ўрганиш харажатларини қоплаш учун махсус сертификатлар топширилди.

Зухро МИРЗОҲАМДАМОВА,
O'zLiDeP Тошкент вилоят кенгаши бўлим мудир



БИР ОЛМАНИНГ ИККИ ЮЗИ...

◀◀ Бошланиши 1-саҳифада.

Куни кеча шу йилнинг май ойида Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ҳамда Тожикистон Журналистлари иттифоқи ўртасида имзоланган "Ҳамкорлик меморандуми"га биноан қардош давлат ижодкорлари ҳам ортиқча ташриф буюришди. Насиб этса, 27 ноябргача меҳмонлар пойтахтимиз ҳамда кўҳна Бухоро ва Самарқанд шаҳарларидаги қадимий ва замонавий зиёратгоҳлар, иншоот ва бетақдор манзилларда бўлишди. Эътиборли жиҳати, улар орасида Бухородаги тарихий Арк, Лаби ҳовуз, Пойи Остона мажмуалари ҳамда Сомониёлар макбараси, икки халқнинг севимли адаби, Тожикистон Қахрамони Садриддин Айнийнинг уй музейини томоша қилишди. Шунингдек, ташриф доирасида Самарқанддаги туризм маркази ва Боқий шаҳар мажмуалари, Регистон ансамбли, Гўри Амир макбараси билан ҳам танишиш, Шарқнинг буюк алломалари Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомий ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйиш режалантирилган.

Тегиримон навбати билан деганлари рост. Қардош ва қондош икки халқ вакиллари биринчи навбатда тажриба алмашадилар шу баҳонада. Телевидение ва радио, босма ҳамда интернет нашрлари фаолияти билан қизиқадилар. Жойларда меҳмонлар билан учрашув, мулоқотлар ўтказиш ҳам белгиланган.

"Хуш омадед, марҳабо!" "Хуш келибсиз, азиз меҳмонлар!"

Деярли таржимонсиз тушуниладиган бундай самимий дил изҳорлари кўнгилларни чоғ этаётир. Шундай шукуҳли лаҳзаларда улуг шоиримиз Эркин Ваҳидовнинг икки халқ дўстлиги, биродарлигини мадҳ этувчи ушбу ўтмиш сатрлари беихтиёр ёдга тушади:

Ўртамизга кўп нифоқ,
Солмоқ бўлдилар бироқ,
Асли биз эт ва тирноқ –
Монанд бўламиз, дўстим.

Бир заминда дон экиб,
Бир Ватанда жон чекиб,
Дўст ғамига қад эгиб,
Дардманд бўламиз, дўстим.

Биз хуш ният меъморлар,
Қулаб эски деворлар,
Яйраса дўсту ёрлар,
Хурсанд бўламиз, дўстим.

МУХБИРИМИЗ

Суратларни Сардор АМИНЖОНОВ олган.

ТАЖРИБА

ТОМОРҚАЧИЛИКНИ ЕРТЕПАЛИКЛАРДАН ЎРГАНИШ КЕРАК!

Қарши туманининг Ертепа қишлоғида яшовчи Ўғиллой Эргашеванинг хонадонига кирсангиз, ишонинг, ҳайратда қоласиз. Нафақадаги аёлнинг томорқасида бир қарич ҳам бўш жой йўқ. Дастлаб турли кўкатлар, редиска ва сабзавот етиштириб, бозорга олиб чиқиб сотишни одат қилганди. Аммо янгиликни хуш кўрадиган онахон ўғлини чақириб иссиқхона ташкил этишни маслаҳатлашди. Иссиқхонага энг ноёб цитрус мева кўчатларидан ўтказиб, парварши қила бошлади. Бугунги кунда кункуват навли лимон ва ноёб мандариннинг ҳар килосини 300 минг сўмдан сотишмоқда. Хитой атиргулининг қаламчасидан олиб келиб, гулзор ташкил этишди. Папайя кўчатлари ҳам ҳосилга кирган. Мевасидан бир литрлик банкага махсус дори сифатида тайёрлаб, 250 минг сўмдан олиб кетишяпти.

– 4 сотих майдондаги иссиқхонамизда 3 кишининг бандлиги таъминланган, – дейди хонадон бекаси. – Ҳар йили бирорта янги цитрус навли меваларни етиштиришни ўзлаштиряпмиз. Биргина папайядан олаётган даромадимиз иккита томорқада экилган кўкатлардан олинган даромаддан кўпроқ. Келинларим Мафтуна ва Юлдуз менинг энг яқин кўмакчиларим. Маҳалла раисимиз Бибисора опани устозим деб биламан. У кишининг хонадонидан бўлганимда хориждан келтирилган Брами товукларини парварши қилаётганини кўриб, қизиқиб қолдим. Тухумидан сўраб олиб, хонадонимда кўпайтирдим. Уларнинг ватани Ҳиндистон бўлиб, кейинчалик барча Европа мамлакатларида кўпайтирилиб, боқилаётган экан. Жўжаси очирилган, 90 кундан сўнг тухумга кирди. Тухум оддий товукниқидан икки баравар катта, 40 даражали совуқ ва иссиқда ҳам тухум беравераркан. Ҳўрози 5 кило гўшт қилади. Ҳўзирда 50 бош ана шундай товугим бор.

– Инсон ўз иқтидорини ишга солса, албатта, фаровон ашайди деган ҳаётий ҳақиқатни Ўғиллой опа амалда исботлаб, қишлоқдошлар ўртасида ҳурмат-эътиборга сазовор бўлиб



келмоқда, – дейди O'zLiDeP Қарши туман кенгаши раисининг биринчи ўринбосари – аппарат раҳбари Феруза Мустаева. – Партиядошларимиз ўртасида Ўғиллой опанинг тажрибасини омаллаштириш мақсадида тарғибот тадбирлари ташкил этилди. Ишбилармон аёл ҳар йили тўрт сотих майдондан 40 млн. сўм даромад қилиб келмоқда. Очиги, томорқасидан мўмай даромад топаман деган киши ертепалик томорқачилардан сабоқ олиши керак. Кейинги олти йил мобайнида қишлоқ хонадонларидаги томорқа ерларидан самарали фойдаланиш йўлга қўйилган, аҳолининг бандлиги ва турмуш фаровонлиги кескин ортди. Кўчада беҳуда гаплашиб турган хотин-қизларни кўрмайсиз. Кимдир томорқадаги иссиқхонада ишлаяпти, кимдир маҳсулотини олиб бозорга жўнаган. Қирқдан ошиқ иссиқхонада помидор, бодринг, цитрус мевалар етиштиришяпти ертепаликлар. 505 та хонадондаги 303 гектар майдонда беш минг тоннадан ортиқ мева-сабзавот етиштирилиб, бозорга чиқарилган. Албатта, бундай эзгу ишларда шу маҳалла раиси, партиямиз фахрийси, "Дўстлик" ордени соҳибаси Бибисора Бегнаеванинг хизматлари катта десам муболага қилмаган бўламан. Онахон маҳалласидаги ҳар бир оиланинг яшаш шароити, имкониятлари жуда яхши билади. Одамларнинг қалбига йўл топиб, уларни тадбиркорликка йўналтира оляпти. Аҳолини қўйиб келаётган муаммоларнинг мақбул ечимларини топиб, оилаларнинг

мустақамлиги ва турмуш фаровонлигини оширишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Маҳалла қошида тикувчилик цехи ташкил этилиб, "Аёллар дафтари"га киритилган 12 нафар хотин-қиз ишга олинди. 2019–2021 йилларда туманда "Энг намунали маҳалла" деб топилган масканда 617 та оила, 505 та хонадон бўлиб, 2817 нафар турли миллат вакиллари фуқаро истиқомат қилади. Ҳомийлар ҳисобидан 12 та оилага 600 та парранда олиб берилди. Кам таъминланган оилалар деярли йўқ, Оилавий тадбиркорлик, томорқачилик ривожланган, ҳеч ким йиғин идорасига моддий ёрдам сўраб келмайдиган бўлди. Қишлоқ одамлари "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасида ҳам ҳар йили фаол иштирок этишади. Тадбиркорлар кўчаларга экиш учун мевали ва манзарали дарахт кўчатлари олиб беришади. Қишлоқ кўчаларига турли хил манзарали дарахтлар ўзгача чирой бағишлаб турибди. Ҳозирга қадар маҳалла ҳудудида 40 минг тупдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт кўчатлари, ток, терақ, атиргул қаламчалари экилди.

O'zLiDeP Қарши туман кенгаши ва депутатлар ҳамкорлигида Ўғиллой Эргашева хонадонидан ташкил этилган маҳорат дарсига маҳалладаги хотин-қизлар ва ёшлар таклиф этилиб, томорқада цитрус мевалар етиштириш борасида маҳорат сабоқлари ўтказилди.

Сайфулла ИКРОМОВ,
"XXI asr" мухбири



ЗОМИННИНГ ЯНГИ САЙЁҲЛИК МАЖМУАСИ

Яқин-яқингача ички туризм муайян ташкилотлар ёки касабаяушмалари томонидан ҳисобот учун амалга ошириладиган тадбир ҳисобланарди. Одамлар боршига иштиёқманд манзилларни ҳам бармоқ билан санаса бўларди. Яшириб нима қилдик, баъзан кўпчилик саёҳатга чиққанига афсусланарди. Чунки жойларда тузук ҳордиқ чиқариш учун оддий талабларга жавоб берадиган шароитлар яратилмаганди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда бу соҳани ривожлантиришга қаратилган улкан эътибор натижасида вазият ижобий томонга ўзгарди. Буни Зомин тумани мисолида ҳам кўриш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Зомин" туристик-рекреацион зонасини ва халқаро умуммавсумий курортини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони қабул қилинган айни мuddао бўлди.

Зомин табиати таърифга муҳтож эмас. Ҳудуднинг туристик салоҳиятидан унумли фойдаланиш, халқаро талабларга

жавоб берадиган дам олиш масканлари, меҳмонхоналар, маданият ва бошқа инфратузилма объектларини барпо этиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Жумладан, Суффа платосидан 700 гектар ер майдони туристик курорт объектлари учун ажратилиб, 4 минг 400 метр сув тармоғи, 2 минг 500 метр электр тармоқлари тортилди. Ҳар бири 240 ўринга мўлжалланган 2 та тўрт қаватли ва 1 та беш қаватли меҳмонхона қурилди.

Айни пайтда "Дуба" қишлоқ фуқаролар йиғини қиёфасини тубдан ўзгартириш буйича махсус дастур ишлаб чиқилиб, бошқичма-бошқич амалга оширилмоқда. Хусусан, Зомин санаториясидан Суффа платосигача узунлиги 2160 метр, бир йўналишда соатига 500 кишини қабул қила оладиган замонавий типдаги дор йўли қурилмоқда.

Сайёҳлик мажмуасининг расмий очилиш маросимида алоҳида таъкидланганидек, эндиликда мазкур ҳудуд нафақат ички, балки чет эллик туристларни ҳам кенг миқёсда Жиззахга жалб этишда, янги иш ўринлари яратишда муҳим аҳамият касб этади.

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ,
"XXI asr" мухбири

УЙМА-УЙ ЮРИШНИНГ ГУРЛАНДАГИ НАТИЖАЛАРИ

О'zLiDePнинг сиёсий куч сифатида майдонга чиққанига 19 йил тўлди. Шу давр мобайнида партия нафақат марказда, балки чекка-чекка ҳудудларда ҳам ўз электоратига эга бўлди. Жумладан, Хоразм вилоятининг Гурлан туманида либерал-демократлар қўллаб-қувватлаётганларнинг бошқа партияларга нисбатан кўпчилиги маҳаллий кенгаши томонидан олиб борилаётган ишлар сайловчиларга маъқул келаётганидан далолат беради.

Жорий йил бошида Гурлан туманидаги партия аъзолари сони 5986 нафарни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич ўтган 9 ой давомида 477 нафарга ошиб, ҳозирги кунда 6463 нафарга етди. О'zLiDeP туман кенгаши таркибиде 87 та бошланғич ташкилот фаолият кўрсатаяпти. Улар томонидан уюштирилган 124 та тadbир орқали 6820 нафар фуқаро қамраб олинди.

Мулоқотлар асосан жамиятда етакчи кучга айланган мулкдорлар синфи вакилларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, тadbиркорликни ривожлантириш борасида қабул қилинган қарор ва фармонларнинг тарғиботи-га бағишланди. Чунончи, маҳаллаларда "Обод қишлоқ", "Ҳар бир оила – тadbиркор", "Yoshlar – kelaajimiz" дастурлари доирасида амалга оширилаётган ишлар билан танишиш, бу жараёнда аҳоли муаммоларини ўрганиш ва уларнинг ечимини топишда депутатларимиз фаолият кўрсатишяпти.

Халқ депутатлари туман кенгашидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳи 7 кишидан иборат. Улар ташаббускорлик билан партия нуфузини оширишга, халқ дарду ташвишини енгиллаштиришга астойдил ҳаракат қилмоқда. Нойблар хонадонма-хонадон юриб, мавжуд муаммолар ечимини топишда, шунингдек, партия таянчи бўлган БПТлар фаолиятини янада такомиллаштириш, келгуси сайловларга номзодларни таллаб олиш юзасидан лидерларни излаб топиш борасида аниқ мақсадли ишларни амалга оширишмоқда.

Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган "Тараққиёт стратегияси"да белгилаб берилган устувор вазифалар нуктаи назардан О'zLiDeP туман кенгаши томонидан Мойли ва Эшимжирон маҳаллаларида паррандчилик, туякучилик ва чорвачилик билан шуғулланиб, юқори даромад олаётган тadbиркорлар фаолияти ўрганилди. Шунингдек, озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва ички бозорда нарх-наво барқарорлигини сақлаш мақсадида депутатлик гуруҳи аъзолари туман деҳқон бозориде ва савдо шохобчаларида бир неча мартаба мулоқотлар ўтказдилар.

"Депутатлар ва тadbиркорлар мулоқоти" форуми лойиҳаси бугун ишбилармонлар қатлами муаммоларини ижобий ҳал қилишда муҳим роль ўйнаётгани ҳеч кимга сир эмас. Аслида лойиҳанинг мақсади ҳам ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш бўйича О'zLiDePдан сайланган депутатларнинг аниқ позиция-



сини шакллантиришга хизмат қилувчи амалий тақлиф ва ташаббусларни ишлаб чиқишдан иборат. Тумандаги тadbирлар давомида кичик бизнес вакиллари, оилавий тadbиркорлар, энди иш бошлаётган ёшлар ва аёллар ўз муаммолари билан тўғридан-тўғри муносабат қилиш имконига эга бўлдилар. Мазкур лойиҳа доирасида Гурлан туманининг ўзида 22 та муаммо жойида ечилди. 12 та масала тегишли ташкилотлар билан атрофликда кўриб чиқилгандан сўнг партияимиз электорати фойдасига ҳал этилди.

Мулоқотлар давомида либерал-демократик ғояларга ишончи ортан хайрихоҳлар партия сафига қабул қилинди. Гурлан туманидаги партия масъулари ташаббуси билан тарафдорлар орасида ҳоким ёрдамчиларининг сафи кенгайди. Мисол учун, Гурлан туманидаги маҳаллаларда 50 нафар ҳоким ёрдамчиси фаолиятини бошлаган бўлса, шуларнинг 40 нафари О'zLiDeP аъзосидир.

– Жорий йилнинг дастлабки тўққиз ойи давомида депутатлик гуруҳи эшитувларида янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, халқ таълими ва мактабгача таълим сифатини янги босқичга олиб чиқиш, педагог-кадрларнинг билими ва малакасини ошириш, тиббий хизмат сифатини яхшилаш ва ушбу соҳада хусусий секторнинг улушини кенгайтириш каби ўнлаб масалалар хусусида тумандаги мутасадди ташкилотлар раҳбарларининг ахборотини тингладик, – дейди халқ депутатлари туман кенгаши депутати, О'zLiDeP Гурлан туман кенгаши раиси Умид Базарбаев. – Депутатлар томонидан ҳар бир йўналиш доирасида қилинаётган ишлар чуқур таҳлил қилинди. Йўл қўйилаётган камчиликлар очик-ойдин ўртага ташланди.

Партияимиз депутатлари кўмагида субсидия асосида "Аёллар дафтари"га қирган хотин-қизларга паррандалар ажратилиши

жамоатчилик тартибиде қатъий назорат қилинди. Уйда ўтирган аёлларга 20 бошдан парранда тарқатилди. Тахтақўпир ва Дусимбий маҳаллаларидаги кўчаларга шағал ётқизибли, битта кўприк таъмирланди. Сув қувурлари тортилган, аммо тоза ичимлик суви етиб келмаётган кўчалар бўйича ижроия ҳокимияти мутасаддилари билан биргаликда иш олиб борилди. "Урганч – Гурлан" автомобиль йўлининг 31–36 километридаги ҳамда Мустақиллик шўкўчасидаги тунги ёритиш чироклари янгиланди.

Бу амалий ишлар депутатлик сўровлари асосида амалга оширилгани билан эътиборга лойиқдир. Аммо айрим ташкилотлар борки, депутатлик сўровига беэтибор бўлиб, кўтарилган муаммоларга ҳамон бепасандлик билан қараб келмоқда. Амалдаги қонунларга асосан депутатлар чиқарган сўровга 10 кундан кечикмаган муддатда жавоб бериши зарурлигига қарамай, сўровни жавобсиз қолдираётган ташкилотларга нисбатан туман кенгаши депутатлари томонидан прокуратура органлари орқали тегишли тартибда чоралар қўлланди. Натижада мутасадди ташкилотларнинг масъулияти оширилди.

Хуллас, юқорида тилга олинган масалаларни сарҳисоб қилар эканмиз, партия туман кенгашининг умумий фаолияти, қўйи бўғинларнинг тизимли ишлари, депутатларнинг саъй-ҳаракатлари замирида халқнинг оғирини енгил қилиш, инсон қадрини улуғлаш, давлатимиз раҳбари олиб бораётган одиллона сиёсатнинг жойлардаги ижросини таъминлаш каби муҳим ишларда О'zLiDePнинг ўз ўрни борлиги яна бир бор яққол кўзга ташланди.

Насиба ВАИСОВА,
О'zLiDeP Хоразм вилоят кенгаши
жамоатчилик билан алоқалар
ва мафқуравий тарғибот
бўлими мудири

ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР



БОҒЛАР ҚОЛСИН БИЗДАН ДЕСАНГИЗ...

"Яшил макон" умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш бўйича кўчат экиш, боғ яратиш каби тadbирлар кўпчиликни бирдамликка, аҳилликка ва меҳр-оқибатга ундаши билан ажралиб туради.

Яқинда ушбу умуммиллий лойиҳани амалга ошириш бўйича О'zLiDeP Чилонзор туман кенгаши Ёшлар масалалари бўйича раис ўринбосари, Халқ депутатлари Чилонзор туман кенгаши депутати Баҳодир Зиёвдидинов ва Чилонзор туман маҳаллалар раислари ташаббуси билан партия фаоллари, ёшлар, тумандаги маҳаллалар фаоллари биргаликда бир куч бўлиб туман ҳудудида манзарали ва мевали дарахт кўчатлари экишти.

– Бу каби тadbирлар келгусида ҳудудларда экологик вазиятнинг яхшиланишига, ушбу жараёнларга аҳоли, шу жумладан, ёшларнинг қизиқиши ортшига, қолаверса, ҳар бир фуқарода мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларга нисбатан дахлдорлик ҳиссининг кучайишига хизмат қилади, – дейди партия Чилонзор туман кенгашининг фаол аъзоси Ризқилло Ҳикматуллаев. – Албатта, амалга оширилаётган ободлик ташаббуслари нафақат атроф-муҳит мусавволиги, балки тинчлик-фаровонлик, ўзаро меҳр-оқибат, кўнгиллар ободлигини ҳам таъминламоқда. Шу билан бирга, ёшлар қалбиде меҳнатсеварлик туйғусини шакллантирмоқда.

**О'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши
матбуот хизмати**

ШИФОКОРЛАР О'zLiDeP САФИДА

О'zLiDeP Самарқанд шаҳар кенгаши томонидан Самарқанд шаҳридаги 10-оилавий поликлиникада партия дастурий мақсад ва вазифалари тарғиботи ҳамда "2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги фармонда белгиланган вазифалар ижросига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.

Тadbирда партия фаоллари, мазкур соҳа вакиллари Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси ва 2022 йил "Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили" да амалга оширишга оид

давлат дастуридаги соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантиришга қаратилган вазифалар юзасидан маълумот бериб ўтди.

Бугунги кунда мазкур поликлиникада 100 дан ортқ шифокор ва ҳамширалар Самарқанд шаҳридаги 9 та МФЙ фуқароларига, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиб келишяётгани эътироф этилди.

Тadbир якунида мазкур ташкилотда сиёсий жараёнларга қизиқиш биланд ҳодимлар О'zLiDeP сафига қабул қилиниб, партияннинг қўйи бўғини ташкил этилди.

Фазлиддин ҒАЙБУЛЛАЕВ,
О'zLiDeP Самарқанд шаҳар кенгаши
раисининг биринчи ўринбосари –
аппарат раҳбари

БИЗНИНГ ДЕПУТАТ

ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ – ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ДАСТУРИ АЙНАН ШУ СЎЗЛАР БИЛАН БОШЛАНГАНИ БЕЖИЗ ЭМАС. БОИСИ, БЕТАКОР ЮРТИМИЗГА, ОЛИЖАНОБ ХАЛҚИМИЗГА САДОҚАТ БИЛАН ХИЗМАТ ҚИЛИШ – О'zLiDeP ТАРАФДОРЛАРИ ВА БАРЧА МАСЛАҚДОШЛАРИНИНГ ШАРАФЛИ БУРЧИДИР.

Партия ғояларини қўллаб-қувватлаётган сафдошларимизнинг қатъий фикрича, вилоятлар, туманлар ва шаҳарларнинг комплекс ва мувозанатланган ижтимоий-иқтисодий ривожланиши – мамлакатнинг барқарор тараққиётини, аҳоли фаровонлигини, одамларнинг юқори турмуш даражасини таъминлашнинг муҳим омил саналади. Бунда ҳудудларнинг ишлаб чиқариш, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларини модернизациялаш учун қўлай шарт-шароитлар яратилишига алоҳида аҳамият берилади. Қисқача айтганда, иқтисодий кучли ҳудудлар – қудратли Ўзбекистонни ташкил этишни партия ўз фаолиятининг устувор йўналиши этиб белгилаган.

Олдимизга қўйилган вазифаларни сифатли бажариш нафақат ҳар бир туман, балки маҳаллалар кесимида ишларни изчил ташкил этишни талаб қилади. Шунинг учун ҳам партия депутатлари ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг ишлаб чиқиши ва амалга оширилишида фаол иштирок этишяпти. Қўлай транспорт ва ижтимоий инфратузилмани яратиш, локал қайта тикланадиган энергия манбалари ва энергияни тежовчи технологиялардан фойдаланиш кўзда тутилган лойиҳалар ижросини ваколат доирасида назорат қилиш ҳам О'zLiDeP депутатларига катта масъулият юклайди, албатта.

Шу маънода Халқ депутатлари Бухоро вилоят кенгаши депутати Ҳалимжон Сафаровни партиямизнинг ана шундай жонқуярларидан бири десак янглишмаймиз. У қайси ишга қўл урмасин, аввало, масаланинг ҳуқуқий асосларини чуқур ўрганиш ва мазкур ҳужжатларда кўрсатилган қонун-қоидаларга жойларда қандай ривож этилаётганини таҳлил қилади. Мутасаддилар билан атрофликча мухомаа уюштилади. Зарурат туғилса, депутатлик сўрови киритади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти-



Битта мақсад барчамизни бирлаштиради: Ватан тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги

нинг "2022–2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тadbирлар тўғрисида"ги қарорига асосан амалга оширилаётган ишларни назорат қилишда ҳам шу тартиб қўлланди. О'zLiDeP Бухоро шаҳар кенгаши вакиллари билан биргаликда ўтказилган ўрганишлар "Чорбахосса" маҳалла фуқаролар йиғинидан бошланди.

Ўрганиш жараёнида депутат Ҳ. Сафаров томонидан маҳаллалардаги ички йўллар ҳолати, аҳолининг ичимлик суви, электр энергияси ва табиий газ таъминотини яхшилаш, ижтимоий соҳа объектларини таъмирлаш борасидаги лойиҳаларнинг ўз вақтида сифатли бажарилиши борасида

баъзи камчиликлар аниқланди. Шунингдек, маҳалла ҳудудида ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун спорт майдончасига зарурат борлиги, ҳудудда умумтаълим мактабининг йўқлиги аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўлаётгани маълум бўлди.

Аниқланган камчиликлар юзасидан Ҳ. Сафаров томонидан тегишли ташкилотлар мутасаддиларига депутатлик сўровлари чиқарилиб, уларнинг ижроси бўйича назорат ўрнатилди.

Ўрганиш ишлари Ҳалимжон Сафаров сайланган 35-Янгибозор сайлов округи ҳудудидаги Ибн Сино, Мустақиллик, Чағирчи Валфажр, Навбахор ҳамда Боғимусо маҳаллаларида изчил давом эттирилди. Ҳудуд аҳолиси билан учрашиб, кейинги пайтда маҳаллалардаги янги-

ликлар натижаси билан қизиқди ҳамда уларни кўздан кечирди.

Давлат дастурлари ижроси доирасида маҳаллаларда "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" жамғармалари орқали молиялаштирилиши режалаштирилган қурилиш-таъмирлаш ишлари сифати ҳолисона ўрганилди. Бир қатор қишлоқлар аҳолиси талабига биноан хонадонларни электр қуввати билан таъминловчи трансформатор партиямиз вакилининг саъй-ҳаракати билан электр тармоқлари масъуллари томонидан тuzатилади, қишлоқ хонадонлари яна электр қуввати билан таъминланди. Шунингдек, тумандаги Саидир қишлоғида газ босимининг пастлиги ҳам кейинги пайтда аҳоли норозилигига сабаб бўлаётган эди. Депутатнинг тегишли мутасаддиларга муножаа-

ти ушбу муаммони ҳам бартафат этиш имконини берди.

Серғайрат депутатнинг ўз сайлов округидаги сайловчилари ишончини қозонишга қаратилган бундай ибратли ва хайрли фаолияти тизимли тус олгани қувонarliдир. Зеро, О'zLiDeP дастурида белгилаб қўйилганидек, партия ҳудудий ва тармоқ ривожланиш дастурлари, демографик омиллар ва иқтисодийётдаги таркибий ўзгаришлар ҳисобга олинган ҳолда аҳоли бандлигига оид йиллик дастурларнинг амалга оширилиши ва янги иш ўринлари яратилиши амалиётини тўлиқ қўллаб-қувватлайди.

Асқор ИСТАМОВ,
"XXI asr" мухбири

ЭҶТИРОМ

“МУҚИМИЙ”НИНГ МЕҲМОНАЛИСИ



ЁХУД ЕТМИШ ЁШЛИ “МОРЖ” АКТЁР ҲАҚИДА МУХТАСАР СЎЗ

...Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқали драма театрида катта тантана бошланиш арафасида. Театр сахнаси ҳар қачонгидан ҳам чиройли ва кўркем безатилган. Залга кириб келаётган томошабинларнинг қадамлари узилмади. Уларнинг чехраларида байрамона кайфият, хушнудлик уфуриб турибди. Тадбирга келаётган меҳмонларни театр директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Александр Бекчанов юксак эҳтиром ва етмаганига хоразмча самимий табассуми билан кутиб олаётир.

Халқимизнинг “Камтарга камол” мақолини ҳаёти ва ижодига бош шир қилиб олган ва муборак етмиш ёшини нишонлаётган таниқли актёр, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Меҳмонали Салимовнинг саҳнага кириб келиши билан залда олқишлар янгради. Етмиш ёшли “тўйбола”нинг тантаналари бошланди. Кечани театр хор жамоаси “Театрим” кўшиги билан бошлаб берди. Сўнг бошловчилар таниқли санъаткорга бағишланган шеърый кутловидан ибратли сатрларни ўқидилар:

Меҳмонали Салим ушбу саҳнада Юзлаб қиёфаларда бўлди намён.
Образдан образга юксалди ва деди:
“Санъатга содиқман ҳар нафас, ҳар он”.
Янги ролга кириш доим машаққат,
Буни фақат чин истеъдод эглай омон.
Ўзбек санъатида кўрсатди ибрат,
Етмиш давон ошиб, кўтарди хирмон.

Актёрнинг ижодий хирмони анча юксак бўлиб, сара ва бўлиқ долларга тўла. Таҷрибали ва серғайрат деҳқон ҳалол тер тўкиб, хирмон бунёд этганидек, севимли санъаткоримиз Меҳмонали Салимов ҳам саҳнанинг захматкаш деҳқони каби ўз иқтидори, фидойилиги ва тинимсиз изланишлари тўғрисида томошабинлар қалбидан мустаҳкам ўрин олган бетакрор образлар яратди. Бу маънавий хазина ўзбек театр санъати ривожига улкан ҳисса бўлиб қўшилгани биз мухлисларни бениҳоя хурсанд қилади.

Меҳмонали Салимов театр репертуарида мустаҳкам ўрин олган спектаклларда яратилган бетакрор образлари билан санъатимизни безаб келаётган актёрлардан биридир. У 1952 йили Фарғона вилояти Бешариқ туманида туғилган. Тошкент театр ва рассомлик (ҳозирги санъат ва маданият) институтини 1978 йили тугатиб, Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқали драма театрида фаолиятини бошлади. Қаранг, шунга ҳам салкам 50 йил бўлибди.

Меҳмонали Салимов театрга бор истеъдоди ва меҳрини берди. Ижодий жамоа ҳам ёш актёрни меҳр билан бағрига олди. У дастлаб саҳнага чиққан даврларини шундай эслайди:

– Театримизнинг ўша даврдаги буюк дарга-

ларига юзма-юз келганда салом беришга шошиб қолардик. Катта-кичик ролларни ўйнай бошладим. Устозлардан саҳна сирларини ўргандим. Раҳматли устозим, Ўзбекистон халқ артисти Бахтиёр Ихтиёр ўзи саҳналаштирган “Лайли ва Мажнун” спектаклидаги Қайс образини каминга топширди. Бу роль тўғрисида мухлислар орттирдим, томошабинларга танилдим...

Аслида актёрга шуҳрат келтирган бундай образлар унинг репертуарида катта рўйхатни ташкил қилади. Масалан, “Гулсара” спектаклида Қодир, “Заҳриддин Муҳаммад Бобур”да Хондамир, “Аршин Мол олан”да Асқар, “Хонума”да Княз Ваню Пантятишвили, “Тоҳир ва Зулайхо”да Козим, “Улдинг, азиз бўлдинг”да Достон, “Топталган туйғу”да Артур, “Юсуф ва Зулайхо”да Юсуф, “Узилган торлар”да Зокир, “Диёнатга хиёнат”да Баҳодир... Бу рўйхатни ҳали узоқ давом эттириш мумкин. Яна “Оталар сўзи – ақлнинг кўзи” телекўрсатувида ижро этилган ролларининг ҳисобини ўзи ҳам билмайди...

Саҳнага чиқиб келган Лайли (Дилором Абду-

Кечада залдагилар актёр, муқаллидчи, кўшиқчи Нурбек Маматовнинг табригини катта олқишлар билан кутиб олди. Айниқса, у таниқли санъаткор Эркин Комилов бўлиб табриклаганда қарсақлар тинмади...

Тадбир сўнггида ёнимда ўтирган таниқли телебошловчи Толибжон Исроилов ўзини билан шундай деди:

– Ака, қаранг, камтарин инсоннинг тадбири ҳам ўзига ўхшаб жуда камтарона ўтди. Энг муҳими, Меҳмонали акани мухлислар жуда яхши кўрар экан. Залнинг тўлиб туришини кўринг. Салкам элик йилдан бери Муқимий театри саҳнасини гуллаб келаётган шундай ажойиб санъаткорнинг юбилей кечасини янада кенгроқ даврада нишонлаш ҳам, кам бўлмасди.

Буни қарангки, шундоққина орқа қаторда ўтирган бир нуруний онахон ҳам Толибжоннинг айтган мулоҳазаларини кўнгли сезгандек гапира кетди:

– Илоё, Меҳмоналининг умри узоқ бўлсин. Санъати янада юксалаверсин. Шундай табаррук



лимова), Мажнун (Равшан Иброҳимов) ижро этган дует устозга ҳам, томошабинларга ҳам манзур бўлди. Сўнг саҳнага “тўйбола”нинг театрдошлари – таниқли санъаткорлар Одина Нарзуллаева “Ассалом”, Меҳри Бекжонова “Тасаддуқ”, Мақсуда Отажонова “Айвон” кўшиқларини юксак маҳорат билан ижро этиб, тантананага файз бағишлади. Ўзбекистон халқ артисти Зулайхо Бойхонова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Гулбаҳор Эрқулова, Муножот Тешабоева, Муҳсинбек Мўминов ижро этган табрик кўшиқлар ҳам устоз санъаткорга муносиб совға бўлди. Айниқса, ёш хонандалар Жавоҳир Одилжонов, Муниса Болтаева ижро этган ҳиндча “Мечали” кўшиғи Меҳмонали Салимовнинг ёшлигини эсга солди шекилли, ўзи ҳам чидаб туролмади, микрофони олиб жўр бўла кетди. Кейин эса “Сангам” бадийий фильмлари машҳур кўшиқлардан бирини ижро этди.

қунида Маданият вазирининг ё унинг ўринбосарини келиб, йиғилган шунча томошабинлар олдида одамлар кўнглидан муносиб жой олган машҳур актёрни кутласа, асакарлари кетиб қолмасди...

Очиги, жуда ўринли фикрлар айтилди. Узоқ йиллар Меҳмонали Салимовнинг бундай дилбар ва нурули ижодий кечалари давомли бўлишини ниёт қилмай, албатта.

Оббо, тантаналар билан андармон бўлиб, мақолаимиз аввалидаги “морж”нинг кимлигини айтишни унутмаёймиз. Энди бу ёғини сўрасангиз, ёзин-кишин анҳордан чиқмай, аёзда ҳам музени ёриб қўмилидиган, бир пуфлашда ўн гектарнинг қорини эритадиган “морж” оғайнимиз ҳам саҳнада савлат тўкиб ўтирган Меҳмонали Салимовнинг айнан ўзлари экан!

Ашуралӣ ЖҶРАЕВ

ВОҚЕА

“КЎЗБОЙЛАҒИЧ” АЁЛЛАР

Кечки овқатдан кейин кўчада бироз айланадиган одатим бор. Бир неча кун аввал қўшни “дом” атрофида ёши 28 – 30 ёшлардаги икки аёл мени тўхтатди. Ғира-шира қоронғида уларнинг кийиниши, ўзларини туттишидан ёмон хаёлга бориш мушкул эди.

– Ассалому алайкум, акажон. Кўп бўлмади ҳали, хув анави тўққиз қаватли уйда ижарада яшаймиз, – деди буйдорроғи. – Опам ҳомиладор эди, бугун қон кетиб, касалхонага тушиб қолди. Дори олишга пулимиз етмапти. Ҳали шифохонага ҳам боришимиз керак. Қўшнилар ҳам яхши танимаймиз. Бир соатга 150 минг сўм керак. Илтимос, ёрдам беринг. Қариндошимиз йўлда пул олиб келяпти, дарҳол қайтарамиз. Ишонмасангиз, телефон рақамимизни ёзиб олинг...

Барибир уларнинг бу гапларига шубҳа туғилди менда. “Сизларни танимасам, қандай ишонсам бўлади?” дедим. Лекин... бу икки кўзбойлағич аёллар мени шундай ишонтиришдики, қандай қилиб уйимга қайтиб, ай-

тилган пулни қўлларига тутқазганимни ўзим билмай қолдим.

Уйга нима учун кирганим сабабини билган соддадил аёлим ҳам “Бечоралар Худони ўртага солиб айтишибди, бериш керак. Қайтармасам, жавобини ўзлари беради” деди.

“Узоғи билан икки соатда телефон қиламиз, раҳмат” деб хайрлашди улар...

Мана, орадан бир ҳафта вақт ўтди. Умидим узилди. Лекин шу орада ўша телефон рақамига неча марта кўнгирик қилдим. Қайда, ўчирилган деган жавобни эшитяпман. Баъзан ишлаб қолади, телефон қилсам, узиб қўйишади. Жаҳлим чиқиб, бир неча марта SMS ҳам ёздим. Фирибгарликнинг бундай усулини қўйилмақом қилиб ижро этишганига лол қолдим. Берган ваъдалари, одамларга ишонич, қийин дамларда бир-бирини қўлаб-қувватлаш каби урф-одатларимиз қаерда қолди деб ўйлайман.

Аслида гап пулда эмас. Аммо бундай тарбиясиз, иймонсиз аёлларнинг товланмачилигининг бу каби антиқа усулларини ўзлаштириб менга ўхшаган содда, ишонувчан одамларни чўч тушириб юргани ўйлантиради.

Биламан, айб ўзимда. Лекин қар-



шингда кўзлари тўла ёш билан зор-зор йиғлаб турган охира аёлнинг ҳолатига қандай қилиб бефарқ бўлиш мумкин. Чунки бизнинг ота-оналаримиз одамларга нисбатан раҳмдил, шафқатли бўл деб ўргатган. Бугун эса бу каби қадриятлар жуда тез ўзгариб кетмоқда, аксинча, қандай қилиб бўлмасин инсонийликни ҳамон байроқ қилиб кўтариб юрган одамларни ёлғон гапириб, ўзини охира, нотаваб қилиб кўрсатиш орқали алдаш, шилиб кетиш одатга айланаётгани жамият юзига ямоқ бўлиб тушаётганини унутмайлик.

Айтганча, ўзим билан содир бўлган ушбу ҳолатга қандай ҳуқуқий баҳо берилиши билан қизиқдим. Қонунда ёзилишича, агар ўша товланмачи аёллар топилиб, қилган айблари судда исботланган тақдирда, Мажбурий ижро бюроси томонидан қачонки уларда пул бўлганда ундирилар экан...

Шунинг учун охирага маслаҳатим: яхшиликни ҳам билиб-билиб қилинг!

Ҳосил КАРИМОВ,
журналист

“XXI ASR” ЖАВОБ БЕРАДИ

СУБСИДИЯ АЖРАТИШ СОДДАЛАШТИРИЛГАНИ РОСТМИ?

Яқинда уй-жой сотиб олиш учун субсидия ажратиш соддалаштирилгани ҳақида эшитдим, ҳақиқатан ҳам, шундайми?

Б.Самаров
Паркент тумани

Ҳа, жорий йил 14 октябрда Ва- зирлар Маҳкамасининг “Аҳолига ипотека кредити ва уй-жой сотиб олиш учун субсидия ажратиш жараё- ёнларини соддалаштириш чора-тад- бирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Маъзур қарор билан 2022 йил 1 декабрдан бошлаб қуйидагилар белгиланди:

– субсидияга талабгорларни танлаб олиш комиссиялари тарки- бидан Ёшлар ишлари агентлиги бў- лим бошлиғи ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази директорлари чиқарилади;

– субсидия олиш учун аризани аҳоли бандлигига кўмаклашиш мар- казлари, Давлат кадастрлари пала- тасининг худудий бошқармалари, Ёшлар ишлари агентлиги бўлимлари ва туман (шаҳар) ҳокимлиги томони- дан кўриб чиқиш тартиби бекор қи- линади;

– бунда маъзур ташкилотлар- нинг маълумотлари “subsidiya.idm.uz” дастурий таъминоти орқали автоматик тарзда шакллантирилади.

Шу билан бирга, субсидия ажратиш мақсадида уй-жойга муҳтож фуқароларни аниқлашнинг ижтимоий мезонлари доираси- да қуйидагилар ижтимоий ҳўмогга муҳтож бўлган айрим шахслар тои- фасига киритилади:

– ёш оилалар, шу жумладан, 30 ёшдан ошмаган фуқаролар;

– олис ва чекка худудлардаги бюджет ташкилотларига бошқа ҳу- дудлардан ишлаш учун келган олий маълумотли мутахассислар ва тиб- биёт ҳўдмилари.

Бундан ташқари: – 2022 йил 1 ноябрга қадар “Labor – migration” дастури ва Ка- дастр агентлигининг Миллий ге- ографик ахборот тизими портали “subsidiya.idm.uz” дастурий таъмино- тига интеграция қилинади.



– Молия вазири томонидан жўйлаштирилган маблағлар ҳисо- бидан ипотека кредити ажратишда қарз олувчиларга қарз юқининг энг юқори чегараси ҳамда субсидия олиш учун бир календарь йилда икки марта ариза бериш бўйича белгилан- ган чекловлар бекор қилинди.

– 2022 йил 1 ноябрга қадар 2020–2022 йиллар дастури доираси- да субсидия ажратиш тўғрисида ха- барнома олган фуқароларга ипотека кредити фонизларининг бир қисмини қоплаш бўйича тўланмай қолган суб- сидияларни тўлиқ тўлаш чоралари кўрилади.

– 2021 йил дастури доираси- да субсидия ажратиш тўғрисида ха- барнома олган Тошкент шаҳрида доимий рўйхатда турадиган фуқаро- ларга Тошкент вилоятида қурилган уй-жойларни ипотека кредити асо- сида сотиб олиш ҳўқуқи берилади.

Саволга Паркент тумани адлия бўлими бош маслаҳатчиси Абдулазиз ҲАМДАМОВ жавоб берди.

БУГУН БИЗГА ФИТРАТЛАР КЕРАК

Ўн олти ёшдаман. “Юксалиш” умумий ҳаракати ёш фаоли ва аъсосиман. Дарсдан бўш пайтларимда Ватанимиз мустақиллиги, озодлиги учун жони қурбон қилган, маънавий ва маърифий жасорат кўрсатган боболаримизнинг ҳаёт йўлини ўқиб-ўрганаман, улар ҳақи- да гуруҳдош дўстларимга гапириб бераман.

Айниқса, шоир, драматург, му- сикашунос, атоқли давлат ва сиёсат арбоби бўлиши билан бирга, йирик тилшунос ҳамда адабиётшунос олим, Туркистон халқ таълими тараққиёти- га муҳим ҳисса қўшган буюк маъри- фатпарвар, моҳир педагог Абдурауф Фитрат ҳақида жуда кўп ўқидим.

Фитрат ўзбек тилининг мус- тақиллиги ва софлиги учун кура- шиб, унинг юксалишига катта ҳисса қўшган экан. Мураккаб араб ёзуви- ни ислоҳ қилган, лотин графикаси- даги ўзбек ёзувини ишлаб чиқишда қатнашган. Илмий ва адабий ме- росимизни ўрганиш ва уни кейинги ав- лодларга етказиш учун курашган.

Мана, забардаст олим “Ишти- рокион” газетасининг 1919 йил 12 июндаги сониде эълон қилинган “Тилимиз” сарлавҳали мақоласида нима деб ёзган: “Дунёнинг энг бой, энг бахтсиз бир тили қайси тилдир? Биласизми? Туркча. Шоирлик қил- моқчи эмасман, сўзнинг тўғриси шудир. Дунёнинг энг бой тили турк- чадир, энг бахтсиз тили яна шу турк- чадир”.

Биз, шу “энг бой, энг бахтсиз” тил эгалари бугун Фитрат каби бо- боларимизга муносиб бўла ола- мизми? Тилимизни янада бахтсиз- лаштирмаймизми? Ҳар йили фақат байрам арафасидагина она тилимиз ҳақида гапириб, сўнг яна унутуб қўй- маяпмизми? “Йўқ” дегим келиди-ю, савод масаласи оқсаётган, кўча-кўй- ни ажнабий тилдаги битиклар тўл- дирганини кўриб...

Бугун бизга худди Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирӣ, Абдулла Қаҳҳор сингари тил софлиги учун курашадиган фидойилар, она тили қуриқчилари кераклигини англаб етайлик.

Саидкамал МАМАСОЛИЕВ,
ТДЮУ қошидаги академик лицей
1-курс ўқувчиси

O'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши Юнусобод туман кенгаши раисининг биринчи ўринбосари – аппарат раҳбари Дилбар Зайнутдиновага фарзанди Оловуддин ЗАЙНУТДИНОВНИНГ вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

O'zLiDeP Тошкент вилояти кенгаши Бўка туманидаги “Бўстон мева боғи” фермер хўжалиги раҳбари – партиянинг туман кенгаши раиси, туман кенгаши депутати Сирожиiddин ВАЛИЕВНИНГ вафоти муносабати билан оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

Билмадик, обуна ҳақида билган ҳам, билмаган ҳам ўзича бонг уриб (бирова хайрихоҳлик билан, бошқаси ғаразғўйлик, худбинлик билан) ётибди. Қайсидир сайт ё ижтимоий тармоқдаги “фаол блогер” босма нашрларнинг “ўлиш-ўлмас” лигини башорат қилиб ётган бир пайтда айнан ана шу газета ё журналлар таъсисчилари “Сукут – аломати ризо” шioriни сув қилиб ичган ҳолда миқ этмай тургани кишини ажаблантиради.

Бугун ҳукмингизга ҳавола этилаётган мақола бундан қарийб уч йил бурун ёзилган эди. Бу, албатта, устозимиз, ўзбек журналистикасида ўз мактабини ярата олган бармоқ билан санарли қаламкашлардан бири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист раҳматли Сафар Остоновнинг ўзига хос энг сўнгги огоҳлик кўнғироғи бўлган эди, десак асло янглишмаймиз. Хўш, шу ўринда ҳақли савол туғилади: матбуотни, босма нашрлар фаолиятини иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида муносабат қай даражада ўзгарди? Йўқ, аксинча, ана шу ўтган уч йил орасида ўнглишиш ўрнига депсиниш, қандай қилиб бўлмасин журналист қавмини “мажбурий обуна” ниқоби остида обрўсизлантириш урфга айланди. Неча ўнлаб нашрлар эғали-эғасиз ҳолда аро йўлда ётибди. Ташвишланарлиси, жамиятимизнинг юқори қатлами, яъни ОАВнинг ривожланиши ва такомиллашувига бевосита жавобгар бўлган идоралар ҳамда бозор муносабатларига ўтиш баҳонасида турли ваз-корсонларни рўқач қилаётган катта-кичик муассислар ўз газета ва журналларини қўллаш ўрнига банкрот бўлиши ёки умуман чиқмаслигидан манфаатдорга ўхшаб қолмоқда бугун. Нима қилмоқ керак? Жумбоқли саволга ҳамон жавоб топилмаётгани ташвишлидир.

“ГАЗЕТА ЎҚИМАЙ

ҲАМ ЯШАШ МУМКИН”

Ҳеч кимни мажбурлаб китоб ўқитиб бўлмаганидек, газета ва журнал ҳам ўқитиб бўлмайди. Хоҳиши йўқ, ўқидан фойда нима-лигини билмаган одам ўқимайди-да. Эҳтимол, кимдир шундоқ ҳам ҳамма нарсани биламан, ўқиш шарт эмас, деб ўйлар. Эҳтимол, умуман ҳеч нарсани билишни истамас, ҳеч нарсага қизиқмас. Топган-тутганим ўзимга етарли, қорним тўқ, устим бут, нима қиламан бошимни қотириб, дема керак. Яна шундайлар борки, газетада ўқийдиган нарсани йўқ, деб ҳисоблайди ва шу билан ўзини оқлагандек бўлади. Аслида охириги марта қачон газета ўқиганини эслай олмайди.

Бу гаплар ҳақида чуқурроқ ўйлангиз, ҳар хил фикр-мулоҳаза ҳаёлга келади. Масалан, шундай одамлар борки, эртадан кечгача кундалик юмуши, тирикчилик билан овоза. Бошқа нарсани қизиқтирмайди, дунёни сув босса ҳам, иши йўқ. Бундайларга газета ўқи, дейиш фойдасиз. Бир даврада газета мутулаа қилиш, обуна ҳақида гап кетганда, маҳалламиздаги таниқлироқ тижоратчи йигит “Газета ўқимай ҳам яшаш мумкин”, деган эди. У ҳам ҳақ, ахир қанчалаб жонотлар газета ҳам, китоб ҳам ўқимай яшаб юрибди-ку. Унинг фикрича, газета ўқиш билан қорин тўймаса, чўнтакка бир чақа кирмаса, нима қилади, обуна бўлиб, газета сотиб олиб?..

Айримлар қанча янглик бўлса ҳам, телевизордан кўраман, ижтимоий тармоқлардан ўқиман-ку, дейди. Тўғри, улардан кўп ахборотларни билиб олиш мумкин. Бироқ телевидение ижтимоий тармоқларнинг, ижтимоий тармоқлар эса газетанинг ўрнини босолмайди. Ҳар бирининг афзалликлари, ўрни ўзига хос. Газета ва журнал, китоб ўқимайдиган тоғфалар ижтимоий тармоқлардан асосан шов-шувли ахборотларни излашади. Ким ишдан кетди, ўрнига ким келди, ким қамалди, қайси ҳоким ўқитувчи ёки фермерни урибди, қаерга ўт тушибди...

Булар кўпчиликини қизиқтирадиган воқеа-ҳодисалар албатта, айримлари профилактика аҳамиятга эга. Аммо “Халқ сўзи”, “Правда Востока”, “Ўзбекистон овози”, “Маърифат”, “Қишлоқ ҳаёти”, “Ишонч”, “XXI аср”, “Адолат”, “Миллий тикланиш”, “Хуррият”, “Оила ва жамият” (таҳририят изоҳи: бу газета бир йилки, муассисларининг эътиборсизлиги туфайли чоп этилмапти), “Жамият” каби газеталарда чоп этилаётган маънавий-маърифий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, сиёсий мавзулардаги мақолалар қадрини билган билади. Президент фармони ва қарорларига фаол муносабатлар, уларнинг ижросига бағишланган таҳлилий-танқидий мақолалар, янги қабул қилинган қонунлар шарҳлар аҳамиятини тушунади. Ёки “Шарқ юлдузи”, “Тафаккур”, “Саодат”, “Жаҳон адабиёти” каби журналларда чоп этилаётган асарлар, публицистик мақолалар фикримизни чарқлайдиган, дунёқарашимизни кенгайтирадиган, маънавийтимизни юксалтирадиган бебаҳо ҳазина-ку!

Афсуски, оддий одамлар нари турсин, катта-кичик раҳбарлар орасида ҳам матбуот ва оммавий ахборот воситалари вазирасини бир томонлама, тор доирада тушунадиганлар борлигини ҳаёт кўрсатмоқда.

Уларнинг назарида матбуотнинг вази-



фаси фақат ахборот тарқатиш, янгликларни ёритиш. Буни инкор этмаймиз, аҳолининг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириш муҳим вазифаларимиз доирасига киради. Шунингдек, матбуот ва оммавий ахборот воситалари зиммасига халқимизнинг маърифати, маданиятини юксалтириш, миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш, жамоатчилик назоратини олиб бориш, ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, халқаро майдонда юртимиз, халқимиз манфаатларини ҳимоя қилишдек улуғ вазифалар юкланган.

Обуна ҳақида гап кетганда, “Газетанинг сайтидан ўқиб олаверамиз”, дейдиганлар бор. Уларнинг фикрича, одамлар интернет орқали керакли ахборотни ўқиб олаверади. Бундайлар билармикан, бугун қишлоқ оилаларининг неча фоизи компьютерга эғалигини? Улардан неча фоизда интернетга улашиш имконияти борлигини? Ёши 60 дан ошган отахон ва онахонларнинг интернетга кириб, истаган хабарини топиб ўқити осонми? Бунинг устига, жойларда электр таъминоти билан боғлиқ масалалар ҳали тўла ҳал этилганча йўқ.

Яна бир оддий, аммо ўйлаб кўрилиши мумкин бўлган масала: ёш бўлар, кекса бўлар, қўл телефони ёки компьютер орқали бир кунда неча соат янгликларни ўқиши мумкин? Бир ойда, бир йилда-чи?.. Бунинг соғлиққа, хусусан, кўзга қанчалик зарари бор? Тиббиёт ходимлари бу ҳақда ўз фикрларини билдиришган.

Ўзимизни ўзимиз алдамай, мақтамай, бор ҳақиқатни тан олайлик, ҳозирча бутун мамлакатимиз компьютерлашиб, оммавий коммуникациялар билан қамраб олингани йўқ, бу борада ҳали кўп ишлар қилиниши керак. Шу ўринда ўйлаб кўрайлик, дунёнинг энг ривожланган давлатлари ҳисобланган АҚШ, Германия, Буюк Британия, Франция, Япония, Жанубий Корея, Хитойда компьютер, интернет, ижтимоий тармоқлар қачон пайдо бўлган эди? Бизга қараганда уларда оммавий коммуникациялар, ижтимоий тармоқлар бир неча баробар ри-

вожланиб кетган-ку! Хўш, бу мамлакатларда газета-журналлар ёпилиб кетди-ми? Мутахассислар маълумотларига қараганда, юз минглаб, миллионлаб нусхаларда чоп этилмоқда. Тўғри, интернет пайдо бўлиши билан одамларда ахборот олиш имконияти тезлашди, кенгайди. Бу янглик босма нашрлар тиражи маълум даражада камайишига таъсир кўрсатди. Шунинг учун ҳам барча етакчи газеталарнинг электрон нусхалари йўлга қўйилди. Бу жараён такомиллашиб бораверади. Аммо бозор иқтисодиёти шароитида ўзини эпловмаган, бугунги кун талабига жавоб беролмай қолган нашрлар ёпилиб, янги нашрлар пайдо бўлиши мумкин, бу табиий ҳол.

Матбуотнинг эртанги кун ҳақида гап бора-ракан, бир ҳақиқатни тан олишимиз зарурга ўхшайди. Мамлакатимизда кечаётган бугунги жараёнлар ва одамлар қизиқиши, талабидан келиб чиқиб, газеталар қиёфасини ҳам, мавзуларини ҳам ўзгартириб бориш керак бўлади. Ўртамиёна мақола ва ахборотлар, муассисларнинг бўлар-бўлмас тадбирларини ёритишдан воз кечишга тўғри келади. Одамларни қийнаб келаятган, улarga фойдаси тегадиган масалаларни, жамиятнинг оғриқли муаммоларини, маънавий озуқа берадиган мавзуларни кўпроқ ёритиш керак, деб ўйлайман.

Маълумки, кейинги пайтларда босма нашрлар обунаси ҳақида баҳс-мунозалар кўпайиб кетди. Газета нималигини билган ҳам, билмаган ҳам, обунанинг аҳамиятини тушунаган ҳам, тушулмаган ҳам фикр билдирди. Мажбурий обуна билан обуна тарғиботини аралаштириб юборганлар ҳам бўлди.

Биринчидан, ҳеч кимни мажбурий обуна қилиш мумкин эмас, обуна бўласан, деб ойллик маошидан ушлаб қолиш ҳам ноқонуний ҳаракат. Бироқ қайсидир ташкилот ёки корхона касабани уюшмаси билан келишиб, ўз ҳисобидан ишчи-ҳодимлари учун обунани ташкил этса, нимаси ёмон? Корхона ёки ташкилотга газета-журнал кириб

келса, кимга зиёни тегади? Ўқимагандан кўра, ўқиган яхши эмасми?! Уйингизга газета-журнал олиб кириб, майли, ўзингиз ўқиманг, аммо фарзандларингиз уни қўлига олиб варақлайди, ўқиб бошлади, ўқишга кўникаш шаклланди.

Яна бир савол кишини ўйлатади: ўқитувчи бўла туриб, “Маърифат”ни, фермер бўла туриб, “Қишлоқ ҳаёти”ни, сиёсий партия аъзоси, фаоли бўла туриб, партия нашрларини, катта-кичик раҳбар, депутат бўла туриб, “Халқ сўзи”, “Народное слово”ни, спорт мураббийи, ҳодими бўла туриб, “Спорт” газетасини ўқимаган кишидан нима кутishi мумкин? Кўпдан-кўп муаммоларимиз сабаби ана шу ўқимаслигимизга боғлиқ эмасмикан?

Обуна бўлган бўлсин, бўлмагани ўзи билади. Газета ўқишни хоҳламаган, ўқимай кўя қолсин, дейиш осон, энгил. Дейлик, фарзандингиз газета ҳам, китоб ҳам ўқишни хоҳламаса, ўқимасанг ўқима, дейиш керакми ёки уни ўқишга даъват этки, ургатиш керакми?

Шу ўринда озгина мулоҳаза бор. Халқимизнинг неча фоизи газетхон ёки китобхон?.. Изоҳ шарт бўлмас керак. Мамлакатимизда китоб нашр қилиш, китоб мутулаасини ошириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар бежиз эмаслигини яхши биламиз.

Нега газета обунасини тарғибот қилиш, газета ўқишга даъват этиш мумкин эмас? Ҳозирча тарғибот, даъват керак. Вақти-соати келади, одамлар айтмасак ҳам ўқийдиган бўлади. Кўпчилигимиз кузатганимиз, кўрганамиз, қатор ривожланган мамлакатларда одамлар хиббонда ўтирган бўладими, метрополитенда кетаётганимиз, кўлида газета, журнал ё китоб бўлади.

Қисқароқ, лўндароқ айтганда, **газета бу — сиёсат, гоё, мафкура, маърифат... Давлатнинг сиёсатини одамларга, одамларнинг хоҳиш-иродасини давлатга, ҳокимиятга етказадиган восита.** Шундай экан, унинг кўп тарқалишидан давлат ҳам, жамият ҳам, таҳририят ҳам манфа-

ат кўради. Нима учун дунёдаги айрим ташкилотлар ўз гоёсини ёйиш учун бепул газета, диск, китобларни тарқатади? Нега биз давлатимиз сиёсатини тарғибот қиладиган, халқимиз манфаатини ҳимоя этаётган нашрларни қўллаб-қувватлашмаслигимиз керак?

Матбуот ва оммавий ахборот воситаларига ҳаётнинг ўзи катта талабларни қўймоқда. Аммо уларнинг шароити, муаммоларини қайси ташкилот ўрганиб, таҳлил этиб, таъсиялар бера олади? Муассис қаерга қараяпти, нега ёрдам бермайди, деган ҳақли савол туғилади. Ким айтолади, қайси муассис ўз наширига қандай амалий ёрдам берганини? Ўрганиб кўрилса, бу масалада бир дунё камчилик, муаммо қалашиб ётибди. Таҳририят муассисга қарам, талаб қила олмайди, тортишса, гапи ўт-маслиги мумкин. Таҳририят тақдири муассис раҳбарияти савиясига боғлиқ бўлиб қоляпти. Саводли, зиёли, сиёсатни тушунадиган раҳбар бўлса яхши, акс ҳолда, таҳририят жамоаси муаммолар ичида қолиб, кераксий масалаларга вақтини, асабини кеткази.

Айрим муассислар раҳбарлари таҳририят, яъни журналистларни ўзига қарам деб ҳисоблайди. Нима десам айтганимни бажариши керак, деб ўйлайди. Журналист қарам бўлган жойда сўз эркинлиги ўлади, демократик жараёнларга путур етати, коррупция авж олади. Бундан аввало давлат зиён кўради.

Босма нашрлар обунаси муаммосида почта хизматининг катта “ҳиссаси” борлигини ҳам айтмоқ керак. Пойтахт Тошкентнинг ўзида нашрлар обуначиларга бир кун ўтиб, вилоятлар туманларига эса ҳафтада бир марта етказиб берилётгани почта хизматининг бугунги фаолияти ниҳоятда сустлашиб кетганидан дарак бермайдими?

Матбуот ва ОАВ ҳақида фикр юритганда, уларни бир-бирга қарши қўйиш мутлақо нотўғри, аниқроғи, саводсизларча ёндашув бўлади. Уларнинг ҳаммаси бизнинг журналистика мактабимиз, оммавий ахборот воситаларимиз, маънавий бойлигимиз ҳисобланади. Уларга бир жон, бир тан каби қарамогимиз керак. Мақсад ва вазифамиз ягона — улуғ халқимизга, азиз Ватанимизга хизмат қилиш. Шундай экан, бир-биримизни қўллаб-қувватлашимиз, тўлдиршимиз керак бўлади.



Сафар ОСТОНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

2019 йил 22 январь

MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI –
O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



Бош муҳаррир
Норқоқил ЖАЛИЛОВ

Таҳрир хайъати:

Ақтам ХАЙТОВ
Дилшод ШОУМАРОВ
Шухрат БАҒОЕВ
Мавлуда ХУҲАЕВА

Сирожиiddин САЙИИД
Адхам ШОДМОНОВ
Виктор ПАК
Насимжон АЛИМОВ

Сардор МУСТАҒОЕВ
(Бош муҳаррир уринбосари)

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73А-уй.

Электрон почта:
xxi_asr@mail.ru
xxi_asr@mail.ru

Телефонлар:
қабулхона –
71 215-63-80
(тел./факс).
Обуна ва реклама бўлими –
71 255-68-50.

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ.
Буюртма рақами: Г – 1151 Адади: 4859
Электрон обуна – 1355

Баҳоиси келишилган нарҳда.

Топширилди – 20:00

Таҳририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

© “XXI asr” дан олинган маълумотларга манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда дизайнерлар



НАШР КўРСАТКИЧИ: 406
1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир:
Сардор МУСТАҒОЕВ